



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№2

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2025



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида**

**тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

<b>Fotimaxon Ibragimovna Ergasheva</b> Jamoatchilik bilan aloqalarni boshqarish funktsiyalari va tamoyillari	156
<b>Xilola Nematovna Ochilova</b> Oliy ta’lim tizimida pedagog-xodimlarni boshqarishning ahamiyati	162
<b>Niyozxo’ja Bahroil o’g’li Yahyoxonov</b> Samsung kompaniyasining marketing faoliyati tahlili	168
<b>Xilola Nematovna Ochilova, Asilbek Po’lat o’g’li Ne’matov</b> Oliy ta’lim muassasalarida pedagog-xodimlarni boshqarishning samaradorligini baholash yo’llari	173
<b>ИНВЕСТИЦИЯ</b>	
<b>Musurmon Axmadovich A’zamov, Ra’no Sherali qizi Xoliqulova, Muzaffar Janobiddinovich Suyunov</b> Raqamli iqtisodiyot sharoitida investitsiyalarning o’rni va ahamiyati	177
<b>Ozodbek Shuhrat o’g’li Jumaqulov</b> Investitsion jozibadorlikni oshirishni iqtisodiy rivojlanishga ta’siri	181
<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ</b>	
<b>Nuriddin Elamonovich Ernazarov</b> Jismoniy shaxslarning mol-mulk solig’ini soliq bazasini hisoblash amaliyotini takomillashtirish	188
<b>Bobir Xo’jaqul o’g’li Qilichov</b> Sug’urta bozorlari va global turizmning o’zaro bog’liqligi	191
<b>Зариф Юсупович Аминов</b> Хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисодий хавфсизлиги ҳолатини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари	194
<b>То’лиқин Ismatulla o’g’li Yahyoyev</b> Pul oqimlari harakatini moliyaviy hisob xalqaro standartlariga ko’ra aks ettirilishi	198
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>Бекзод Сайдазим ўғли Бурхонов</b> Инсон ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва унга таъсир этувчи омиллар	202
<b>Шахриёр Шодиёрович Тураев</b> Адвокатлик тузилмалари адвокатга иш ҳақи тўловлари ва унинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш	206
<b>Baxtiyor Xushvaktovich Azizkulov, Musurmon Axmadovich A’zamov, Dilafruz Asqarjon qizi Uroqova</b> Klasterlar faoliyatini ekonometrik prognozlash	210
<b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Feruz Kubaymurodovna Ismoilova</b> Ta’lim xizmatlari bozorida malakali kadrlarga bo’lgan ehtiyojni shakllantirish asoslari	215
<b>Akram Abduraxmonovich Azizqulov, Is’haq Abduraxmonov</b> Xizmat ko’rsatish odobi Yusuf Xos Xojib talqinida	219
<b>Khasan Khankeldiyev, Shakhrukh Bobojanov</b> A study on preference for either online education courses or traditional ones at turin polytechnic university in Tashkent	223
<b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Ҳар биримиз 8,2 миллиард кишининг биримиз	227

<b>Б.Бурханов</b>	<b>B. Burkhanov</b>
<b>Показатели эффективности человеческих ресурсов и факторы, влияющие на них</b>	<b>Performance indicators of human resources and factors affecting it</b>
<b>Аннотация.</b> В статье представлены основные показатели, определяющие эффективность использования человеческих ресурсов и их экономический анализ. В качестве объекта исследования была выбрана эффективность использования трудовых ресурсов на примере различных предприятий. Анализируется влияние внутренних и внешних факторов и даются научно обоснованные рекомендации.	<b>Abstract.</b> This article presents the main indicators that determine the effectiveness of human resources and their economic analysis. As an object of research, the efficiency of labor resources was measured on the example of various enterprises. The influence of internal and external factors is analyzed and scientifically based recommendations are given.
<b>Ключевые слова:</b> кадровые ресурсы, эффективность, производительность труда, мотивация, фонд оплаты труда, эффективность предприятия, экономические показатели, экономика, анализ.	<b>Keywords:</b> human resources, efficiency, labor productivity, motivation, wage fund, enterprise efficiency, economic indicators, economy, analysis.

**Шахриёр Шодиёрович Тураев** – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бош бухгалтери, мустақил тадқиқотчи.

### АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ АДВОКАТГА ИШ ҲАҚИ ТЎЛОВЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация.** Мақолада дунёнинг ҳар бир ривожланган давлатларидаги мавжуд корхоналарнинг долзарб масалалари бўлган меҳнат ҳақи, уни тўлаш унга нисбатан ажратма ва ушланмаларнинг миқдори корхоналарда даромадга нисбатан меҳнат ҳақининг ўсиши каби масалалар ёритилган. Адвокатлик тузилмаларида даромаднинг шаклланиши унинг фарқлари, меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий йўналишлари бошқа корхоналардан ажралиб турувчи жиҳатлари кўрсатилиб, бу тўловларни амалга оширишда бухгалтериянинг оптимал ва қулай усулларидан фойдаланган ҳолда, қулай механизм орқали бухгалтерия муомаласига киритиш ва уни такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** даромад, тузилма фонди, иш ҳақи, меҳнат ҳақи, айланма маблағлар, ажратма, ушланма, бухгалтерия, муомаласи, сўтлар режаси.

**Кириш.** Бугунги кунда жамиятимиз олдида қўйган устувор масалалардан бири қонун муҳофазаси ҳисобланади ва бу ҳар бир ривожланиб бораётган мамлакатларнинг олдидаги мақсади саналади. Бу мақсадга қулай ва оптимал равишда самарали етишишда юртимизда фаолият олиб бораётган адвокатларнинг роли ва миқёси жуда кенг. Бу борадаги ишларни амалга оширишда 2017-йилнинг 19-январ куни бу соҳани тубдан ислоҳ этишга қаратилган “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сонли қарори имзолаб унда, бир қатор ечилиши лозим масалалар қўйилган.<sup>1</sup> Биз ушбу вазифаларни бажаришда асосий ролни амалга оширувчи адвокатларнинг тушуми уларнинг даромади тузилма фонди ва адвокатларга меҳнат ҳақи берилишидек долзарб масалани ечимига бағишланганлиги билан муҳим ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ҳозирда мавзу билан мамлакатимизда ва хорижий давлатлар олимлари ва амалиётчи ходимлари шуғулланиб келмоқдалар. Буларга Л.Б. Хван, И.Б. Зокиров, Ҳ.Б. Бобоев, З.Муқимов, Х.Т. Одилқориев, О.Оқюлов кабиларни<sup>2</sup>

<sup>1</sup>“Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”19.01.2017й. ПҚ-2733-сонли қарор. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2018 й.

<sup>2</sup> Хван Л.Б. “Солиқ ҳуқуқи” 2001 й. 430-Б Консаудитинформ нашриёти, Отахонов Ф.Ҳ. “Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги роли” Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ. – 2001. – 10-сон. – Б.26-33., Каримов И.А. “Адолат қонун устиворлигида”. -Т. “Ўзбекистон”. 2001й., Ҳ.Б.Бобоев “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” 2000 й. 523-Б. Тошкент Давлат юридик институти, И.Б.Зокиров “Фуқаролик ҳуқуқи” 2009 й. 609-Б. Тошкент Давлат юридик институти, Ў.Х.Мухамедов “Ҳуқуқшунослик асослари” 2019 й. 348-Б. Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВАкадемияси, 2019, З.Муқимов “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи” 2003.Тошкент Адолат нашриёти. 280-Б. , 206

киритиш мумкин. Ушбу тадқиқотчи олимларнинг асарларида бу мавзу қисман ўрганилган бўлиб, унда юридик хизматларида айнан адвокатлик тузилмаларини муаммолари деярли қараб чиқилмаган бўлиб, бу ҳам танланган мавзунинг ҳозирги кунда ўта долзарблигидан далолат беради.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада юридик хизматлар соҳасидаги замонавий йўллар билан амалиётни такомиллаштиришда, тизимли ёндашув, иқтисодий математик, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларидан, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Жаҳон тажрибаларидан ҳам маълумки ҳар бир ривожланиб бораётган корхона унинг меҳнат ресурсларини таркиби, тузилиши ва унинг сифатига боғлиқ ҳолда корхона самараси ошиб боради. Кадрлар қўнимсизлиги ёки уларнинг меҳнатга бўлган муносабатига қараб корхоналар иш –хизматларни ёки товарларни сифати мос ўсади. Шунинг учун корхоналарда меҳнат ресурсларининг ўрни аҳамиятли бўлиб, бу адвокатлик тузилмаларида айнан билинади. Адвокатлик тузилмаларида фаолият олиб бораётган адвокатлар уларнинг сони тузилмаларнинг фонд миқдорига яққол таъсир кўрсатади. Адвокатлик тузилмаларининг фонд маблағларининг кўпайиши тузилмадаги адвокатлар сонига паралел равишда ошади чунки, ҳар ойлик йиғилиши лозим тузилма фонди ҳар бир адвокатга нисбатан ушланиб жамғарилиб борилади ва бу жамғарма харажатлар сметасига асосан сарфланади.

Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни оқилона ташкил қилиш ходимлар фаолиятини рағбатлантириш, тайёр маҳсулот ва меҳнат бозорида рақобатчиликни, рентабелликни ва маҳсулотларнинг даромадлигини таъминлаши лозим. Меҳнатга ҳақ тўлашни оқилона ташкил этишдан мақсад - унинг ҳажми ва ходимнинг корхона хўжалик фаолиятига меҳнат фаолиятида кўшган ҳиссасига мос келишини таъминлаш, яъни меҳнат ўлчами ва истеъмол ўлчами ўртасидаги мутаносибликни таъминлашдир.

**Иш ҳақи** - ҳар бир ходимнинг сарфлаган меҳнати миқдори ва сифатига мос равишда тақсимланувчи ва ходим тасарруфига пул шаклида келиб тушувчи миллий даромаднинг бир қисмидир. Иш ҳақи-бу меҳнат учун мукофотдир.

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган меҳнат ресурсларининг баҳосидир. Бошқача қилиб айтганда, **иш ҳақи** - бу, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг корхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун сарфланувчи қисмидир.

Иш ҳақининг номинал ва реал турлари мавжуд.

**Номинал иш ҳақи** -бу ходимнинг маълум бир вақт мобайнида бажарган меҳнати учун ҳисобланган ва тўланган иш ҳақидир.

**Реал иш ҳақи** -номинал иш ҳақиға сотиб олиш мумкин булган товар ва хизматлар миқдори; реал иш ҳақи - бу, номинал иш ҳақининг “истеъмол қобиляти” дир.<sup>1</sup>

Адвокат томонидан бажарилаётган адвокатлик хизматлари учун тўланиши лозим иш ҳақлари бу номинал иш ҳақлари таркибига киритиб уни хизмат ваколоти тугагач реал иш ҳақиға айланишини кузатишимиз мумкин. Адвокат тугалланган ишлари юзасидан ҳар ой унга тўланган ҳақларнинг йиғиндиси сифатида узи фаолият олиб бораётган тузилмага молиявий ҳисобот тақдим қилар экан ундан тузилма фонди олиб қолинади ва қолгани қисмидан ижтимоий солиқ чегирилиб қолган қисми адвокатнинг даромади сифатида ушланмалар олиб қолинади.

1-жадвалимизда адвокатлик хизматидан тушган маблағлар қандай тақсимланиши кўриниб турибди. Бунда адвокат томонидан топширилган ҳар ойлик молиявий ҳисоботни миқдоридан қатъий назар мажбурий тарзидаги ушланмалар бўлиб, ҳар ой топширилган ҳисоботга нисбатан олиб қолинади.

---

Х.Т.Одилқориев “Ўзбекистонда давлат ва жамият инновацион ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари” 2019й. Юристар малакасини ошириш маркази. 307-Б. , О.Оқюлов “Интеллектуал мулк ҳуқуқи” 2005 й. Фалсафа ва ҳуқуқ институти Тошкент. 40-Б.,

<sup>1</sup> *Хизматлар соҳаси иқтисодийети. К.Ж.Мирзаев, Т.С.Шарипов, Ш.А.Султонов, Р.С.Мустафоев, Э.С.Файзиев Дарслик - Самарканд «FAN BULOG 'I» нашриёти, 2022й, 252 бет.*

**Адвокатнинг молиявий ҳисоботидан барча ушланмалар.**

№	Сана	Муомила мазмуни	Дт	Кт	Сумма
1	31.01.2025	Адвокат томонидан молиявий ҳисобот топширилди	5110	9020	
2	31.01.2025	Тузилма фонди ушланди	9020	8890	
3	31.01.2025	Ижтимоий солиқ чегирилди	9020	6520	
4	31.01.2025	Адвокатнинг меҳнат ҳақи фонди	9020	6710	
5	31.01.2025	Иш ҳақидан даромад солиғи ушланди	6710	6420	
6	31.01.2025	Иш ҳақидан аъзолик бадал тўлови ушланди	6710	8830	

–“Автотранспорт корхоналарида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига юк ташиш ёки йўловчи ташишга ихтисослашган АТВлар ҳайдовчиларига, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқаришга бевосита алоқадор ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳақи суммаси, шунингдек мос равишда ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасига нисбатан белгиланган ставкаларда ижтимоий суғуртага қилинган ажратмалар киритилади.

Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар учун АТВ ҳайдовчиларига ҳисобланган асосий ва қўшимча меҳнат ҳақлари суммасига ҳисоб-тўлов қайдномалари ёки меҳнат ҳақи ҳисоби китоби асосида қўйидагича бухгалтерия ёзуви қилинади: Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» Кредит 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар». АТВ ҳайдовчиларига ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасига нисбатан белгиланган ставкаларда ижтимоий суғуртага қилинган мажбурий ажратма суммасига қўйидаги ёзув берилади: Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» Кредит 6520 «Давлатнинг мақсадли фондларига тўловлар».”<sup>1</sup>

Хар бир корхонада меҳнат ҳақи унга нисбатан ижтимоий солиқ ажратмалари иш хизматларнинг таннархи ҳисобланади ва улар тегишли счётлар бўйича 2010- ёки 9410-счётлари орқали ҳаражатга олиб борилади. Адвокатлар томонидан уларнинг топширган маблағларидан меҳнат ҳақи келиб чиқиб ижтимоий солиқ тўлови ҳам айнан шу маблағдан ажратма сифатида эмас балки ушланма сифатида чегириб қолинади.

Адвокат томонидан топширилган маблағларни айнан адвокатга тегишли бўлгани сабабли адвокатлик тузилмаси даромади деб ҳисобланмаганда уни бухгалтерия счётлар режасининг даромадларни ҳисобга олувчи 9000 счётлар орқали ёпилиши ёки ижтимоий солиқ тўлови ҳаражатларга 2000 ёки 9400 счётларнинг тегишлиси орқали ёпилиши адвокатлик тузилмаларининг фаолиятига мос келмайди. Адвокат томонидан бажарилган хизматдан тушган маблағнинг сарф ва ҳаражатлари аниқ қонун ва тартиблар орқали белгилаб қўйилган. Адвокат томонидан топширилган молиявий ҳисобот маблағининг тақсимланиш мақсадлари аниқлиги сабабли ва бухгалтерия ҳисоботларини оптималлаштириш уни механизм самарадорлигини ошириш мақсадида счётларнинг даромадга олиб уни ҳаражатларга олиб бориш йўлини қисқартириб, ҳисоб ишларини соддалаштириш, тузилма ҳисоб варағидаги маблағларнинг тузилма фондига ёки адвокатга тегишли қисми яққол кўриниб туришлиги учун мақсадли тушумларни ҳисобга олиш 8800 счётнинг суб счётлари орқали унинг тушумини ва фонд тўловлари ҳисобини юритиб ёпиш мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз.

**Хулоса ва таклифлар.** Барча корхоналар сингари адвокатлик тузилмаларида фаолият олиб боровчи адвокатлар учун ҳам унинг меҳнатига ҳақ тўлаш уни рағбатлантириш муҳим саналади. Хар бир ходим меҳнатидан олган манфаат сабабли уз ишига бўлган маъсулияти ва ёндашуви ошади, меҳнат ҳақини оқилона ташкил қилиш

<sup>1</sup> БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ К.Б.Уразов, С.В.Вахидов. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик, 2010 – 445 б.

орқали ходимларнинг кўнимсизлиги олди олинади. Ходим корхонада йиллар мобайнида ишлаши билан уни иш тажрибаси, касб маҳорати ошади бу эса меҳнат унумдорлигига сабаб бўлиб, ишлар, хизматлар ёки товарларнинг сифатли бўлишлигига олиб келиб, корхона иқтисодиётининг самарадорлик даражасини оширади. Шунинг учун ходимларнинг меҳнатини натижаси юзасидан олган манфаат корхона рентабиллигини ошишига эришиш учун муҳим босқич саналади.

Тадқиқот жараёнида айрим тавсияларни ҳам ишлаб чиқдик. Булар:

Биринчидан, адвокатлик хизматлари учун мижозлар томонидан тўланиши лозим хизмат ҳақи миқдорини такомиллаштириш орқали адвокатнинг хизмат самарадорлигини ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, Адвокатлик тузилмалари томонидан адвокатга меҳнат ҳақи тўлашдаги ойлик молиявий ҳисоботларни ва уни бухгалтерия ҳисобини оптималлаштириш орқали самарали йўлларига эришишлик муҳим деб ҳисоблаймиз.

Берилган тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши адвокатура соҳасидаги ислохотларнинг муҳим бир жиҳатига эришишлик йўлидаги сайи ҳаракатларни амалга оширишда асосли ва самарали хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 19-январда “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2733-сонли Қарори.
2. Хван Л.Б. “Солиқ ҳуқуқи” Консаудитинформ нашриёти, 2001 й. 430-Б,
3. Мирзаев Қ.Ж., Т.С.Шарипов, Ш.А.Султонов, Ғ.С.Мустафоев, Э.С.Файзиев. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Дарслик - Самарқанд: «FAN BULOG‘I» нашриёти, 2022, 252 бет.
5. Б.Уразов, С.В.Вахидов. БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИК. Дарслик, 2010 – 445 б.
6. Отахонов Ф.Х. “Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги роли” Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ. – 2001. – 10-сон. – Б.26-33.,
7. Мухамедов Ў.Х. “Ҳуқуқшунослик асослари”. Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2019 й. 348-Б.

<p style="text-align: center;"><b>Ш.Тураев</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Ўзбекистан Территориальное Управление по Самаркандской области</b></p> <p><b>Аннотация:</b> В статье освещены такие вопросы, как заработная плата, выплата заработной платы, отчисления и удержания, а также рост заработной платы на предприятиях по отношению к доходам, которые являются актуальными вопросами действующих предприятий во всех развитых странах мира. Показаны формирование дохода в юридических фирмах, его отличия, основные направления выплаты заработной платы, аспекты, отличающие их от других предприятий, а также пути внедрения и совершенствования бухгалтерских операций с использованием оптимальных и удобных методов бухгалтерского учета при осуществлении этих выплат.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> доход, структурный фонд, оклад, оборотный капитал, распределение, удержание, учет, сделка, план счетов.</p>	<p style="text-align: center;"><b>Sh.Turaev</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Republic of Uzbekistan Territorial Administration for Samarkand Region</b></p> <p><b>Abstract:</b> The article covers issues such as wages, payment of wages, deductions and deductions, as well as the growth of wages in enterprises in relation to income, which are pressing issues for operating enterprises in all developed countries of the world. The article shows the formation of income in law firms, its differences, the main areas of salary payment, aspects that distinguish them from other enterprises, as well as ways to implement and improve accounting operations using optimal and convenient accounting methods when making these payments.</p> <p><b>Keywords:</b> income, structural fund, salary, wages, working capital, distribution, retention, accounting, transaction, chart of accounts.</p>
---	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

19.05.2025 йилда теришга берилди. 06.06.2025 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0036А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.